



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2021 yil « 23 » fevral

№ 92

Toshkent sh.

Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда суғориладиган ерлардаги **22,1 минг** гектар ва чўл ҳудудлардаги **55,7 минг** гектар (жами 77,8 минг гектар) ерларни қайта фойдаланишга киритиш, мавжуд ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йилда Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизимига кирувчи ташкилотларга ажратилган бюджет маблағларидан 1-иловага мувофиқ **300,0 млрд сўм** маблағни мақбуллаштириш орқали Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган майдонлар ва чўл ҳудудлардаги ерларни қайта фойдаланишга киритиш мақсадида амалга ошириладиган ишларга йўналтириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг “Бухоросувқурилишинвест” давлат унитар корхонасига (кейинги ўринда – “Бухоросувқурилишинвест” ДУК) Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган майдонлар ва чўл ҳудудлардаги ерларни қайта фойдаланишга киритиш тадбирларини амалга ошириш вазифаси юклансин.

3. 2021-2022 йилларда Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган майдонлар ва чўл ҳудудлардаги ерларни қайта фойдаланишга киритиш учун амалга ошириладиган чора-тадбирлар прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган майдонлар ва чўл ҳудудлардаги ерларни қайта фойдаланишга киритиш учун белгиланган чора-тадбирлар прогноз кўрсаткичларини ўз вақтида амалга ошириш мақсадида 1-иловага мувофиқ мақбуллаштирилаётган 300,0 млрд сўм маблағни “Бухоросувқурилишинвест” ДУКка белгиланган тартибда ажратиш учун Бухоро вилояти маҳаллий бюджетига ўтказилишини таъминласин.

Белгилансинки, мазкур маблағлар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида “Бухоросувқурилишинвест” ДУК учун алоҳида очиладиган шахсий ғазна ҳисобварақларида юритилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Энергетика вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ва Бухоро вилояти ҳокимлиги билан биргаликда ерларни қайта фойдаланишга киритиш мақсадида қуриладиган суғориш кудуқлари ҳамда насос агрегатларидан мавжуд сув манбаларидан ва электр энергияси таъминотидан келиб чиқиб, фойдаланиш бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ерларни қайта фойдаланишга киритишда юзага келадиган муаммоларнинг ечимини топишга илмий ёндашув асосида тажрибали олим, мутахассис ва экспертларни жалб қилиш вазифаси юклансин.

7. Бухоро вилояти ҳокимлиги ва “Бухоросувқурилишинвест” ДУК:

тасдиқланган манзилли рўйхатлар, шунингдек, мазкур қарорга 2-иловага мувофиқ тасдиқланган чора-тадбирлар прогноз кўрсаткичларини бажариш мақсадида лойиҳалаштириш ва пудрат ташкилотларини қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгилаш ишларини ҳамда объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқиш ишлари амалга оширилишини ташкил қилсин ва назоратга олсин;

лойиҳаларни амалга ошириш доирасида зарур асбоб-ускуна, хомашё, бутловчи буюмлар ҳамда сифатли қурилиш материалларининг устувор равишда маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилинишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги манзилли рўйхатларда белгиланган объектларда бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари шаҳарсозлик норма ва қоидаларига риоя этилган ҳолда амалга оширилиши юзасидан давлат қурилиши назоратини ўрнатсин.

9. Бухоро вилояти ҳокимлиги:

туманлар ҳокимликларининг қарорлари асосида қайта фойдаланишга киритиладиган ер майдонларини ажратиш бўйича ташаббускор ва тегишли туман ҳокимлиги ўртасида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ижара шартномалар тузилишини;

қурилиши яқунланган ирригация-мелиорация объектларини тегишлилиги бўйича улардан фойдаланувчиларга белгиланган тартибда далолатнома асосида топширилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига юқоридаги топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар киритсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ушбу қарордан келиб чиқиб, маҳаллий бюджетлар параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев:

манфаатдор вазирликлар ва идоралар ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган майдонлар ва чўл ҳудудлардаги ерларни қайта фойдаланишга киритиш ишларини мувофиқлаштириб борсин;

ҳар чорак якуни бўйича мазкур қарорнинг ижросини жойига чиққан ҳолда танқидий ўрганиб, мавжуд муаммоларнинг ечими юзасидан тезкор чораларни кўрсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев, қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев ва Бухоро вилояти ҳокими Б.К. Зарипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил " 23 " февралдаги 92 -сон қарорига
1-илова

**2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизимига кирувчи
ташкilotларга ажратилган бюджет маблағларидан мақбуллаштирилаётган
МАБЛАҒЛАР МИҚДОРИ**

Т/р	Ташкilotлар номи	Миқдори, млн сўм
1	Қорақалпоғистон насос станциялари ва энергетика бошқармаси	2 070
2	Беруний насос станциялари ва энергетика бошқармаси	855
3	Андижон насос станциялари ва энергетика бошқармаси	25 200
4	Бухоро насос станциялари ва энергетика бошқармаси	6 750
5	Жиззах насос станциялари ва энергетика бошқармаси	2 250
6	Қашқадарё насос станциялари ва энергетика бошқармаси	6 570
7	Навоий насос станциялари ва энергетика бошқармаси	6 075
8	Наманган насос станциялари ва энергетика бошқармаси	37 800
9	Самарқанд насос станциялари ва энергетика бошқармаси	6 570
10	Сирдарё насос станциялари ва энергетика бошқармаси	2 115
11	Сурхондарё насос станциялари ва энергетика бошқармаси	39 240
12	Тошкент насос станциялари ва энергетика бошқармаси	2 610
13	Фарғона насос станциялари ва энергетика бошқармаси	13 275
14	Хоразм насос станциялари ва энергетика бошқармаси	3 915
15	Аму-Бухоро машина каналидан фойдаланиш бошқармаси бўйича	66 330
	<i>ш.ж. Бухоро ҳудуди</i>	<i>49 185</i>
	<i>Навоий ҳудуди</i>	<i>17 145</i>
16	Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармаси	66 000
17	Жиззах Бош насос станцияси	12 375
	<i>ш.ж. Жиззах ҳудуди</i>	<i>7 875</i>
	<i>Сирдарё ҳудуди</i>	<i>4 050</i>
	Жами:	300 000



19/21/92/0140-сон
23.02.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил " 23 " февралдаги 92 -сон қарорига
2-илова

**2021-2022 йилларда Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган майдонлар
ва чўл ҳудудлардаги ерларни қайта фойдаланишга киритиш учун амалга ошириладиган чора-тадбирлар
ПРОГНОЗ КўРСАТКИЧЛАРИ**

гектар

Т/р	Туманлар номи	Жами	шу жумладан:	
			қайта фойдаланишга киритиладиган суғориладиган майдонлар ҳисобидан	чўл ҳудудлардаги ерларни қайта фойдаланишга киритиш ҳисобидан
1	Бухоро	7 480	905	6 575
2	Вобкент	1 300	825	475
3	Жондор	11 200	1 710	9 490
4	Когон	6 000	1 010	4 990
5	Қорақўл	9 000	3 061	5 939
6	Қоровулбозор	4 800	250	4 550
7	Олот	7 500	2 500	5 000
8	Пешку	8 520	3 000	5 520
9	Ромитан	7 500	2 300	5 200
10	Шофиркон	10 500	3 500	7 000
11	Ғиждувон	4 000	3 000	1 000
	Жами:	77 800	22 061	55 739